

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 21 ноябрь, № 227 (5647)

Чоршанба



## Замонавий технология, рақобатбардош маҳсулот

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хорижий инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланганлиги сановат маҳсулотлари ҳажмини ошириш ҳамда импорт ўринини босувчи товарлар ишлаб чиқариш имконини берапти. Бинобарин, экспортбоп маҳсулотлар тури кўпаймоқда.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

### Жараён

Буни Бухоро вилоятидаги сановат корхоналари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда жорий йилнинг тўққиз ойида сановат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 4,4 фоизни, экспорт ҳажми эса 43,6 фоизни ташкил қилди. Бунда хорижлик инвесторлар билан ҳамкорликда барпо этилган корхоналарнинг улуши катта. “Бухоро-Лабса” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ана шундай субъектлардан биридир.

...Бухоро шаҳрида яшовчи Зокир Холов узок йиллар давомида ёғ-мой сановати тизимида меҳнат қилган. Оператор. Касбини яхши кўради. Ҳаётдан мамнун. Буларнинг бари вилоятнинг кенжа корхоналаридан бири саналган “Бухоро-Лабса” билан боғлиқ. У айна пайтда шу қўшма корхонада ишлапти. Турмуш ўртоғи Маҳбуба Исмоилова ҳам. Яқинда касб-ҳунар коллежини тугатган қизи Нозима ҳам мазкур жамоа сафига қўшилди.

— Шундай замонавий корхонада оиламиз билан ишлаб, эл-юртга нафимиз тегаётганидан хурсандимиз, — дейди

Зокир ака. — Кўриб турганингиздек, бу ерда биз учун барча қулайликлар яратилган. Ишга махсус автомашинада бориб келамиз. Ошхонада бепул овқат берилади. Тиббиёт хонаси ва бошқа шарт-шароитлар мавжуд. Энди фаолиятимизга келсак, хорижда тайёрланган янги технологик линиялар кишидан маълум

билим ва кўникмани талаб қилади, албатта. Лекин менга илгари собиқ “Бухороёғ” акциядорлик жамиятида ишлаганим асқотди. Чунки технологик жараённинг ўхшаш жиҳатлари кўп. — Бизда айна пайтда 15 нафар ишчи меҳнат қилапти, — дейди цех бошлиғи Бобо Пўлатов. — Уларнинг аксари-

яти — ёшлар. Йигитларнинг маълум иш кўникмаларига эга бўлишларида Зокир акадек маҳоратли операторларнинг тажрибаси қўл келмоқда. Шу ўринда корхонамиз номидаги “лабса” сўзига изоҳ бериб ўтишни истардим. У алкил бензол сульфон кислота, деган маҳсулот номини англатади. Гап шундаки, корхонамиз,

соддароқ қилиб айтганда, сульфон кислотаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. У кўпиртирувчи модда бўлиб, кир ювиш кукунини, шампунь, хўжалик совуни каби тозалаш воситалари ишлаб чиқаришда муҳим хом ашё саналади.

(Давоми 2-бетда).

## Меҳр ва ғамхўрлик ифодаси

Пойтахтимизда “Оила ва болаликни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг маънавий-руҳий асослари” мавзусида халқаро форум ўтказилмоқда.

### Халқаро форум

Мазкур тадбир “Сен ёлғиз эмассан” республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Болалар ижтимоий мослашуви маркази, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФнинг Болалар жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Форумда сенаторлар, депутатлар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, хорижлик экспертлар қатнашмоқда.

Тадбирнинг очилишида қайд этилганидек, мамлакатимизда ёш авлодининг маънави ва жисмонан баркамол бўлиб воғна етиши йўлида юксак шарт-шароитлар яратилаётган. Буни бугун ҳар бир бола меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлишдек эзгу тамойил жамиятимизнинг барча жабҳаларида яққол кўзга ташланаётганини мисолида ҳам кўриш мумкин. Энг муҳими, ана шундай эзгу ишлар юртимиздаги бир қатор жамоат ва нодавлат ташкилотларининг ҳам асосий фаолият мезони сифатида намоён бўлмоқда.

Маълумки, “Сен ёлғиз эмассан” республика жамоатчилиги болалар жамғармаси (РЖБЖ) ҳамда Болалар ижтимоий мослашуви маркази ташаббуси билан тақдир тақозосига кўра чигал ҳаётий вазиятга тушиб қолган болаларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш, уларни маънавий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кўплай хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига

“Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий тизимининг негизини халма-хал шаклларида муқт ташкил этиди. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устулинини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча муқт шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муқофоза этилишини кафолатлайди”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан).

шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишга айланганлиги бугун эришилаётган ютуқларга яна бир муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Агар биз яқин тарихга муносабат этидиган бўлсак, 1990

## Ишбилармонлар ҳуқуқи — қонун ҳимоясида

Ўзбекистон истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб барча жабҳаларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни ҳаётга татиқ этиш ва ривожлантириш бўйича дадил ҳаракатларни амалга оширмоқда. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётимизнинг беш тамойили ва мамлакатимизни ислох этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича изчил ислохотлар стратегиясига асосланган “Ўзбек модели” бераётган юксак самара бутун дунёда эътироф этилмоқда.

Албатта, бу улкан ютуқлар осонликча қўлга киритилаётгани йўқ. Мазкур натижаларга эришимиз жараёнида

Президентимиз раҳнамолиги остида Ўзбекистон халқининг меҳнати, узқони ўйлаб амалга оширилаётган ислохотлар, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллик, ёшларнинг миллий анъаналарга қизиқиши ортиси, халқаро ҳамжамиятда давлатимиз обрў-эътибори мунтазам ошиб бораётганлиги каби воқеликларни кузатиш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг 14 сентябрь кунини Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда Юртбошимиз таъкидлаганидек, истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни жадал ривожлантириш учун қулай

йилда, давлатимиз мустақилликка эришишидан ропларо бир йил олдин, хўжалик юриштида тоталитар бошқарув ҳукмирон бўлган, хусусий мулкка эса “ёт унсур” деб қаралган даврларда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, республиканинг иқтисодий мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш ғоясининг айнан республика раҳбари томонидан илгари сурилишининг ўзи улкан жасорат эди.

Бугун кўпчилигимиз бир ҳақиқатни англаб етдик. Яъни дунёнинг қайси бир мамлакатини олманг, агар у иқтисодий мустақилликка эришмас экан, бундай мамлакат бошқарал олдида том маънодаги суверен давлат сифатида қаддини ростлай олмайди.

(Давоми 2-бетда).

## Логистика ва истиқбол

Кеча Тошкентда мамлакатимизда транспорт ва логистика хизматлари ривожланишининг бугунги ҳолати ва истиқбол масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

### Анжуман

Мазкур тадбир Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон бизнес форуми (2-фаза)” лойиҳаси кўмағида ташкил этилди. Таъкидландики, республикада товарлар ишлаб чиқариш ва экспортининг ўсиши туфайли транспорт ва логистика хизматлари бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## Энг намунали маҳаллалар аниқланди

Юртимизда маҳалла азалдан чинакам миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани сифатида шухрат қозонган. Чиндан ҳам, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яъни кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимиз-

### Фермерлар кенгаши

Республикаимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳада жаҳон тажрибасида синовдан ўтган фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса фермерлик ҳаракатида янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилди.

Айни кунларда жойларда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши қўйи тузилмаларининг таъсис конференциялари бўлиб ўтмоқда.

## Изчил ривожланиш омили

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида соҳада етакчи куч сифатида шаклланган фермер хўжаликлари тобора ривожланмоқда. Президентимизнинг жорий йил 22 октябрда қабул қилинган Фармони мувофиқ, амалиётга жорий этилаётган янгиликлар хайрли ишларнинг яна бир ёрқин кўриниши бўлди.

Нуқсуда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгашининг таъсис конференциясида мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда унинг аҳамияти тўғрисида сўз юритилди.

— Қишлоқларни жадал ривожлантириш ва обод қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини яхшилашда фермерларнинг ролини кучайтириш катта аҳамиятга эга, — дейди Қонлиқул туманидаги “Таумурат бий” фермер хўжалиги раҳбари Бозорбой Алланов. — Бунда ўз фаолиятини бошлаётган кенгаш ўзининг янги самараларини беришига ишонаман.

Конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгаши аъзолари сайланди.

Тахтакўпир туманидаги “Тайимбет” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Сарсенбой Сейтназаров Қорақалпоғистон Фермерлар кенгаши раиси этиб сайланди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев сўзга чиқди.

### БУХОРО

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам фермерлик ҳаракати ўзини тўла оқлади. Ҳозирги кунда бу ерда тўрт мингтага яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётгани, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми уларнинг улушига тўри келаётгани бунинг тасдиғидир. Айнан фермерларнинг сай-ҳаракати туфайли жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиш суръати 7,6 фоизни ташкил этгани, айниқса, эътиборга лойиқ.

Давр эса фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, уларнинг яқин кўмақчисига айланадиган янги тузилма кераклигини кун тартибига қўйди. Шу нўқтай назардан қараганда, Президентимизнинг шу йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тарихий аҳамиятга эга ҳужжат саналади.

Вилоят фермерлар кенгашининг таъсис конференциясида сўзга чиққанлар ана шулар ҳақида тўхталиб, соҳани янада ривожлантириш, фермер хўжаликлари салоҳиятини ошириш, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ушбу тузилма катта роль ўйнашини алоҳида таъкидладилар.

Таъсис конференциясига йилгилан 150 нафар иштирокчи — фермерлар кенгаш тузиш тўғрисидаги таклифни бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Вилоят фермерлар кенгаши раиси этиб Бухоро туманидаги “Маданият, Мухаммад, Исма” фермер хўжалиги раҳбари Мухаммад Аҳмедов сайланди.

Таъсис конференциясида вилоят ҳокими вазифини бажарувчиси М. Эсанов сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ  
ШАРҲИ

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОҚИМИ КўПАЙМОҚДА

Жорий йилнинг 9 ойида асосий капиталда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми қийсий нархларда

9,8 фоизга ортди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестициявий фаоллигини ошириш, хорижий инвесторларга қўшимча имтиёз ва преференциялар тақдим этиш, янада қулай сармоявий муҳит яратиш мақсадида изчил амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ана шундай ўсишга эришилди.

(Давоми 2-бетда).



Молия муассасаларида

Маълумки, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январдаги йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш бўйича асосий вазифаларни белгилаб берган эди. Утган давр мобайнида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, оилаларга ажратиладиган кредитлар ҳажмини ошириш, бу борада мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилди.

Бу сабб-ҳаракатлар, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлмоқда. Умуман, иқтисодийнинг барча тармоқларига молиявий хизматлар кўрсатиш қўламининг изчил ошириб борилаётганлиги мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда беқисс аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Фаргона вилояти тижорат банклари ҳам бу эзгу ишларда фаол қатнашмоқда.

Буни улар томонидан иқтисодий тармоқларига жами

682,1

миллиард сўм миқдорига кредит ажратилгани ҳам тасдиқлайди. Эътиборли жиҳати, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 36 фоиз ёки 181,4 миллиард сўмга ортди. Ушбу маблағларнинг асосий қисми, яъни 274,6 миллиард сўми санаот корхоналари ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган бўлса, 188,2 миллиард сўми вилоят кишлок хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлашга сарфланди.

Тижорат банклари халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган янги истиқболли лойиҳаларни аниқлаш ва молиялаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, вилоятини иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурлар ижросини бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди вилоят Марказий банки Бош бошқармаси кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни му-

ларда 200 нафар ёш оила ипотека кредитларини расмийлаштириш арасида турибди.

Айни чоғда вилоят тижорат банклари ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадига ҳам катта эътибор бермоқда. Чунончи, ўтган давр мобайнида ёш тадбиркорлар лойиҳаларини молиялаштириш учун 7,1 миллиард сўм миқдорига микрокредитлар ажратилди. Айниқса, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилиб, вилоятдаги барча коллежларда Марказий банк Бош бошқармаси ташаббуси билан битирувчилар ўз бизнесларини амалга ошириш-

дейди у. — Шунини эътиборга олиб, "Обиджонхурдинфайз" хусусий корхонасига пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 59 миллион сўм маблағ ажратиб берилган эди. Ҳозир корхонада тайёрланаётган пойабзалларга нафақат туманда, балки қўшни туманлардан ҳам харидорлар чиқмоқда. Шундай йўналишдаги фаолият учун кредитларга лойиҳа тақдим этган Гулсанам Турғунова тикунчилик, Жаҳонгир Валижонова эса қороздан мева яшиқлари тайёрлашни йўлга қўйишди.

— Тадбиркорлик фаолиятимизни "Ипотека-банк"нинг Фаргона вилояти филиали билан боғлаганимиздан сўнг ишларимиз юри-



Оилалар манфаати — доимий эътиборда

вофиқлаштириш бўлими бошлиғи Яқуббек Холбеков. — Хусусан, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг реал сектордаги улушини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 285,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Энг муҳими, ушбу сабб-ҳаракатлар ҳисобига 14,6 миңдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Ҳозир вилоятда аҳолининг банк хизматлари борасидаги саводхонлигини оширишга алоҳида урғу берилмоқда. Шу мақсадда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун банк хизматлари борасидаги имтиёзлар, қўлайлиқлар хусусида реклама роликлари, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

— Жорий йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, катта ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар бизнес лойиҳаларини молиялаштириш фаолиятимизнинг асосини ташкил қилди, — дейди акциядорлик тижорат "Ипотека-банк"нинг Фаргона вилояти филиали раҳбари Ақмамал Мўминов. — Шунини таъкидлаш керакки, "Мустаҳкам оила йили" ҳудудий дастури доирасида тижорат банклари томонидан 7,2 миллиард сўмлик кредит ажратилиши режалаштирилган эди. Жорий йилнинг тўққиз ойида ушбу мақсадларга 8,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани ҳам бу борадаги ишларимиз самарасини кўрсатади. Қувонарли жиҳати, Вазирлар Маҳкамасининг 124-сонли қарорига асосан, шу кун-

ларига амалий кўмак бериш мақсадида турли семинарлар ташкил этилди. Натижада 888 нафар битирувчи-га бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 5 миллиард, 184 миллион сўмлик кредит ажратилишига эришилди.

Барчага аёнки, мамлакатимизда хотин-қизларни иқтисодий ишлаб чиқариш ва оилавий бизнесга кенг жалб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада, айниқса, оилалар фаровонлигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилганлиги кредитлар бериш механизмининг янада такомиллаштириш, унинг ҳажмини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технология янгилаш учун тақлиф этилган лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омили бўлмоқда. Шу кунга қадар аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида салкам 64 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, вилоятдаги 2765 нафар тадбиркор аёл ўз бизнесини йўлга қўйиб олгани, айниқса, диққатга сазовор. Эътиборли жиҳати, ушбу маблағнинг 7,4 миллиард сўми оилавий тадбиркорлик ва ҳўнармандчиликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларига йўналтирилди.

"Асака" банки ошқ акциядорлик тижорат банкнинг Олтириқ филиали бошқарувчиси Отабек Иноятнинг таъкидлашича, фақат шу йилнинг ўзида туманда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 450 миллион сўм маблағ ажратилган.

— Сир эмас, туманимизда оёқ кийимларига бўлган талаб катта, —

шиб кетди. — дейди Фаргона шаҳридаги "Фаргона Муҳаммадаюб" хусусий корхонаси раҳбари Имомали Алиматов. — "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тақдим қилган лойиҳамиз банкка маъқул келди. Ҳар бир хонадонда фойдаланиладиган газ плиталари учун эътиёт қисмлар камёб ҳисобланади. Шунини эътиборга олиб, банкка газ плиталари учун эътиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган дастохлар сотиб олиш мақсадида 50 миллион сўм кредит сўраб, лойиҳа тақдим этган эдим. Банк лойиҳа қўламини ҳисобга олиб, 70 миллион сўм миқдорига имтиёзли кредит ажратиб берди. Айни кунларда қориздан тегишли дастоҳ олиб келинган, қорхонамизда йилгига 7-8 миңг донга газ плитаси учун эътиёт қисмлар ишлаб чиқариш қуввати юзага келди.

Шу ўринда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ҳудудий дастурлар ижроси тижорат банклари диққат-эътиборида турганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Умуман, ўтган давр мобайнида бу борада кредитга лаёқатли лойиҳаларнинг барчаси тўлиқ молиялаштирилди. Натижада кишлок жойларда аҳоли бандлигини ошириш, оила фаровонлигини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилди. Масалан, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига чорва моллари, шу жумладан,

наслдор қорамол сотиб олиш учун 9,3 млрд. сўм, паррандачилик соҳасига 7,9 млрд. сўм, иссиқхоналар ташкил этиш учун 2,7 млрд. сўм, балиқчилик соҳасига 762 млн. сўм ва асаларичилик соҳасига 339 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Буларнинг барчаси пировадарида аҳолиси дастурхонини сифатли, ўзини таъминлаш билан бирга, вилоят иқтисодиётининг реал секторини ривожлантириш, ночор корхоналарни соғломлаштириш ҳиссаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоят тижорат банклари томонидан Президентимизнинг 2011 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил учун Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори талаблари бажарилишини таъминлаш борасида ҳам кенг қўламли сабб-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Чунончи, Инвестиция дастурига киритилган 6 та лойиҳага вилоят тижорат банклари томонидан жами 38,8 миллион АҚШ доллари ҳамда 8 миллиард сўмдан зиёд кредит ва инвестиция маблағи ажратилди.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида тарихий янгиликларга алоҳида эътиборни катта эътибордан наватдаги муҳим масала сифатида хизматлар соҳасининг ҳадал ривожланишини таъминлаш эканлигини қайд этган эди. Зотан, хизматлар ва сервис соҳасининг кескин ўсиши, аввало, қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, кишлок жойларда бу соҳани янада кенгайтиришда катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Фаргона вилоятида 2012 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури асосида мингга яқин замонавий хизмат кўрсатувчи объектларини ишга туширилиши кўзда тутилган. Эъти-

борли жиҳати, уларнинг қарийб тўртдан уч қисми кишлок жойларда ташкил этилиши белгиланган. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоят шаҳар, туманларида жами 757 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилиши белгиланган бўлса, амалда 761 шохобча ташкил этилди.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, вилоят иқтисодиётининг реал секторини ривожлантириш, ночор корхоналарни соғломлаштириш ҳиссаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоят тижорат банклари томонидан Президентимизнинг 2011 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил учун Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори талаблари бажарилишини таъминлаш борасида ҳам кенг қўламли сабб-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Чунончи, Инвестиция дастурига киритилган 6 та лойиҳага вилоят тижорат банклари томонидан жами 38,8 миллион АҚШ доллари ҳамда 8 миллиард сўмдан зиёд кредит ва инвестиция маблағи ажратилди.

Хулоса ўрнида айтганда, Фаргона вилоятидаги молия муассасалари ҳудудга амалга оширилаётган ишлотларда фаол иштирок этиб, уларнинг реал сектордаги ўрни ва аҳамияти тобора кенгайиб бораёпти. Албатта, бу борада Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ҳаётий рўёби, замонавий молиявий тизимнинг мукамал ишлаши пировад натижада халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилаёпти.

Айни чоғда ҳудудий Инвестиция дастурига киритилган 34 та лойиҳадан 23 тасига янги объектлар қурилиши, модернизация ва реконструкцияси учун 4,8 миллион АҚШ доллари ҳамда 27,4 миллиард сўмлик миқдорига банк кредити ва инвестиция маблағлари ажратилиши белгиланган. Утган давр мобайнида янги объектлар қурилиши, модернизация ва реконструкцияси учун жами 2,462 миллион АҚШ доллари ҳамда 32,2 миллиард сўмлик кредит ва инвестиция маблағлари ажратилганлигининг самараси нихоятда катта бўлаёпти.

Вилоят тижорат банклари ўз фаолиятида, аввало, аҳолига кўпроқ қўлайлиқлар яратиш, уларга кўрсатилаётган банк хизматларининг сифатини оширишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Буни, айниқса, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларида терминаллар ўрнатиш мисолида ҳам қўриш мумкин. 2012 йилнинг 1 октябр ҳолатига қўра, вилоятда 10146 та терминал ўрнатилган бўлиб, шундан 92 фоизи савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида жойлаштирилган. Ҳозир ушбу терминаллар орқали миқозларга намунали хизмат кўрсатиш келинаётир. Натижада терминаллар орқали ўтган транзакциялар сони ва салмоғи тобора ортиб бормоқда. Жумладан, 2012 йил давомида терминаллар орқали амалга оширилган транзакциялар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 32 фоизга қўлайди.

Хулоса ўрнида айтганда, Фаргона вилоятидаги молия муассасалари ҳудудга амалга оширилаётган ишлотларда фаол иштирок этиб, уларнинг реал сектордаги ўрни ва аҳамияти тобора кенгайиб бораёпти. Албатта, бу борада Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ҳаётий рўёби, замонавий молиявий тизимнинг мукамал ишлаши пировад натижада халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилаёпти.

Набижон СОБИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси учун компьютер техникаларини етказиб бериш Т.Е.ДС.2012-1»
лойиҳаси бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади ва тендерда қатнашиш учун маҳаллий ва хорижий ташкилотларни, шу жумладан, кичик бизнес корхоналарини ҳам тақлиф этади.

«KOSHMAS MILK SAVDO KIZMATI» MЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.
Аукцион савдосига Юкори Чирчик тумани СИБ томонидан, ФИБ Чирчик туманлараро судининг 2012 йил 19 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Юкори Чирчик тумани, «Суранкент» ҚФЙ, Аҳмад Ясавий маҳалласи, Буюк Ипак йўли кўчасида жойлашган, умумий майдони 0,0140 гектар, қурилиш ости майдони 140,22 кв.м. бўлган пайпоқ тўкиш кичик корхонаси ва 20 донна пайпоқ тўкиш ускунаси қўйилмоқда.

«FARG'ONA MILK MARKAZI» MЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.
Аукцион савдосига Суд департаментининг Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қўйидаги автотранспорт воситалари ва дастоҳлар такроран қўйилмоқда.

Фермер хўжалиқлари ва ишбилармонлар диққатига!
28-30 ноябрь Тошкент
«Ўзэкспомарказ»
«ЎЗАГРОЭКСПО» VIII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси
- КИШЛОК ХЎЖАЛИГИ
- ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ
- ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ИЧИМЛИКЛАР

Танлов савдоларида қатнашиш учун тақлиф!
«Ўзбекнефтегаз» МХК «Устюрт газ-кимё мажмуаси дирекцияси» УК
«Устюрт газ-кимё мажмуаси дирекцияси» гача темир йўл шохобчасини қуриш» объекти учун МТР етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади.
Танлов савдоларида ўхшаш маҳсулотларни етказиб бериш бўйича таърибага эга, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан, маъзур маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш ва танлов савдоларида иштирок этиш таққиланмаган юридик шахслар — маҳаллий ва хорижий ташкилотлар қатнашиши мумкин.

«SAGDIANA REAL SERVIS» MЧЖ
савдолар залида 2012 йил 7 декабрь ва 24 декабрь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган очик аукцион савдосига қўйидаги объектлар такроран сотувага қўйилганлигини маълум қилади.
Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 11 июндаги 14-1213/5438-сонли ижро варақасига асосан хатланган, суд ижрочилари Самарқанд шаҳри бўлими томонидан савдога қўйилган қўйидаги мулклар: Самарқанд шаҳри, Фарход кўрғони, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 480,57 кв.м., қурилиш ости майдони 477,62 кв.м., фойдаланиш майдони 425,5 кв.м. бўлган, 9 хонадан иборат савдо дўкони ҳамда Самарқанд шаҳри, Фарход кўрғони, 71-уйда жойлашган, 100/21,66 фойдани ташкил қиладиган, умумий ер майдони 61328,54 кв.м., қурилиш ости майдони 1130 кв.м., фойдаланиш майдони 1079,68 кв.м. бўлган, 5 хонадан иборат «З» литердаги омборхона ва «И» литердаги цех биноси.

2012 йил — Мустақкам оила йили

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Юртимизда бугунги кунда оилаларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг қарор топтириш, аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, оналар ва болалар соғлигини таъминлашга зарур шароит яратилган. Асосий Қонунимизнинг 40-моддасида қатъий белгилаб қўйилганидек, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу эса, шубҳасиз, инсон саломатлиги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини англатади.

Фаровон ҳаёт пойдевори

Кейинги пайтларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантириш борасида кўрилатган аниқ чора-тадбирлар сўнги ўн йилда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Натижада ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда, иктымол хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари бир неча баробарга камайди. Шунингдек, хотин-қизларни ҳар йили тиббий кўрикдан, скрининг текширувидан ўтказиш одат тусини олмоқда. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган ҳомиладор аёлларни поливитамишлар билан бепул таъминлаш ички йўлга қўйилган, болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси салкам юз фоизни ташкил этаётгани, ўз навбатида, оила аъзоларининг саломатлигини асрашда муҳим роль ўйнамоқда.

хофаза қилишдаги ҳамда никоҳланувчи ёшларнинг масъулиятини оширишдаги саъй-ҳаракатларимизни янада жадаллаштириш керакки, туманимизда ҳам ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, улар ораси-

лаётган турли маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳоли ўртасида оила ва никоҳ муносабатлари қонунийлигини таъминлаш, ёшларни турмушга тайёрлашдаги аҳамияти бекиёс бўлмоқда. Мазкур тадбирларда эрта никоҳ ва унинг оқибатлари атрофида сўз юритилиб, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш бўйича зарур тавсиялар берилмоқда. Мутахассисларнинг фикрлари кўра, эрта ҳомиладорлик кўркам тўйхона эса маҳалла аҳлининг тўй-ҳашамлари ўтказилгандаги фэйзли масканга айланди.



«Оила жамиятининг асосий бўлишида ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрли ролини ва тенг ҳуқуқлигига асосланади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси.

да соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш чора-тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Энг муҳими, йигит-қизларда ўз саломатлигини асраш тўғриси, айниқса, никоҳланувчи ёшлар ўртасида тиббий кўрикдан ўтиш масъулияти шаклланимоқда. Бунда, табиийки, хотин-қизлар кўмитаси, ФХД бўлимлари, КВП ва оилавий полиликниқалар ҳамкорлигида уюштири-

жисмоний ва руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаган ёш организм ҳаётига ҳамда унда ривожланаётган ҳомиланинг шаклланишига катта хавф солади. Бу ҳақда туман ФХД бўлимига келатган ёш йигит-қизларнинг ҳар бирига атрофича тушунтириш, таъмин, эртага улар мувақил ҳаёт оstonасида қоқилмасинлар, оиланинг муқаддаслигини англаб етсинлар.

Хулоса ўрнида айтганда, никоҳланувчи ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш ва муҳофаза қилиш, бу борадаги қонунчиликни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва шу орқали фуқароларнинг тиббий маданиятини кучайтириш бугунги кунда бажарилиши шарт бўлган асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Зеро, соғлом оила муҳитини қарор топтириш, унда ҳар томонлама етук, баркамол фарзандларни вояга етказишда ҳар биримиз масъулиятни ҳис қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

Замира ТУРҒУНОВА, Учқўрғон тумани ФХД бўлими мудир.

Халқаро турнирдаги муваффақият

Хитойнинг Хуаншань шаҳрида ушбу бўйича ўтказилган V жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муносиб иштирок этишди.

Нуфузли мусобақада дунёнинг элликдан зиёд мамлакатидан келган минг нафарга яқин спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Жумладан, эркаклар ўртасидаги беллашуларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Азиз Хўжаев кумуш, Шерзод Сиддиқхўжаев бронза медалини кўлга киритди. Хотин-қизлар мусобақасида эса яна бир ҳамюртимиз Анна Сулаймонова иккита бронза медали билан тақдирланди.



Тошкент вилоятида велосшоссе бўйича Ўзбекистон очик кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

Ҳамюртимиз ғолиб

Унда ғолиблар 92 километрлик масофага жамоавий пойғалар давомидида аниқланди. Қизиқарли ва мураси-

Чемпионатда иккита пешқадам

Самарқанд шаҳрида мини-футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лигасининг биринчи босқич иккинчи тур учрашувлари ниҳоясига етди.

Жамоаларнинг ҳар бири бештадан ўйин ўтказди. Уларнинг барчасида муваффақиятга эришган пойтахтнинг «Локомотив» жамоаси очколари сонини 24 тага етказиб олди. Сўнги ўйинда Андижоннинг «Турон-С» жамоасини 3:9 ҳисобида мағлубиятга учратган «Арду» ҳам ушунча очко бор. Кейинги ўринларда «Максам-Чирчиқ» (21 очко) ҳамда «Бунёдкор» (19 очко) бормоқда.

Россиялик спортчи Кирилл Чукоршев иккинчи, яна бир ватандошимиз Дмитрий Лозовой эса учинчи ўриндан жой олди. Фозилдин АБИЛОВ.

Бунёдкорлик

Ҳазорасп туманидаги Ойбек номидаги маҳаллада муқташам гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тадбиркор Тоҳиржон Собиров маблағи эвазига бунёд этилган ушбу мажмуада ўнга яқин майиш хизмат, савдо ва овқатланиш шохобчалари иш бошлади. 600 ўринли кўркам тўйхона эса маҳалла аҳлининг тўй-ҳашамлари ўтказилгандаги фэйзли масканга айланди. — Вилоятимизда жами 70 га яқин қишлоқларда ана шундай гузарлар барпо этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Курбонбой Дўстматов. — Уларнинг ҳар бирида камида 20 та иш ўрни яратилган. Эътиборлиси, жорий йилда вилоятда 34 та фуқаролар йиғини биноларида ҳам таъмирлаш, реконструкция ишлари амалга оширилди. Шу мақсадлар учун 234 миллион сўмдан ортқ маблағ сўфланди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Табиат ошуфталирига қулайлик

Қашқадарёнинг тоғли Яккабоғ тумани нафақат кўхна таъморий ёдгорликлари, балки гўзал табиати, узоқ ўтмишга эга бой маданий мероси билан ҳам сайёҳлар эътиборини тортти келади.

Ташаббус

Шу боис ҳудудда замонавий инфратузилма иншоотларини бунёд этишга алоҳида эътибор қарантилмоқда. Яқинда туманнинг Жар қишлоғида фаолият бошлаган «Сайёҳлар дам олиш уйи» — шундай масканлардан бири. — Йилига 2 минг на-

фардан ортқ маҳаллий ва хорижий сайёҳларни қабул қилиш имкониятига эгамиз, — дейди дам олиш уйи раҳбари Жобир Ботиров. — Уларнинг ҳудуд флора ва фаунаси, табиий ландшафти билан яқиндан танишиши, табиат қўйнида мириқиб

ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилмоқда. Шунингдек, дам олиш уйи атрофида экологик боғларни ҳам ташкил этаямиз. Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда вилоятда туризмин ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида воҳага келувчи сайёҳлар сони ошиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойда 14 минг 520 нафар сайёҳга 2 миллиард 148 миллион сўмлик

туристик ва меҳмонхона хизматлари кўрсатилгани, бу ўзгаришнинг шу давридаги нисбатан 54,7 фоиз юқори кўрсаткич экани сўзимизнинг тасдиғидир. Қолаверса, яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ипак йўлидаги туризм — 2012» Тошкент Халқаро сайёҳлик ярмаркасида вилоятдаги туристик корхоналар ва меҳмонхоналар томонидан чет эллик ҳамда маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатишга доир 400 дан ортқ ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

STANDARD & POOR'S Халқаро рейтинг агентлиги 2012 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредит рейтингларини тасдиқлади. Узоқ муддатли рейтинг «В+» Қисқа муддатли рейтинг «В» Истикболи: «БАРҚАРОР».

ОБ-ХАВО (21 ноябрь) Сурхондарё вилоятида -3 +2 +7 +12 Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида 0 -5 +3 +8 Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида -3 -8 +2 +7 Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида 0 -5 +3 +8 Бухоро ва Навоий вилоятларида 0 -5 +3 +8 Тошкент шаҳрида -3 -5 +5 +7 Ўзбекистон Республикаси Вазирад Маҳкамаси Ижро этувчи Аппарати жамоаси масъул ходим Бахтиёр Ганиевич Хайдаровга синглиси Лола АРЗИКУЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, Водин кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 697,98 кв.м., фойдали майдони 199,73 кв.м. бўлган дала ҳовли бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 157 027 694 сўм. 2. ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Файрат» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 953,58 кв.м., фойдали майдони 180,60 кв.м. бўлган дала ҳовли бино-иншоотлари.

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO.,LTD. ЭКСКАВАТОРЫ КОЛЕСНЫЕ И ГУСЕНИЧНЫЕ Фронтальные погрузчики Мини-погрузчики ЭКСКАВАТОРЫ-ПОГРУЗЧИКИ Вилочные погрузчики ООО «GST OIL» — официальной дистрибьютор в Узбекистане Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118. Телефон: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60. E-mail: gsthundai@gmail.com Web site: www.hhi.uz

Халқ сўзи Народное слово Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.10 Тошширилди — 21.40 1 2 3 4 5